

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-4-2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

МУНДАРИЖА ТАРИХ ФАНЛАРИ

Murodov H.S. Mustaqillikning dastlabki yillarida turizmni rivojlantirish huquqiy asoslarining yaratilishi va tashkiliy jihatlari	6
Turdiyev I.U. XV- asr oxirida Qozog‘iston dashtlaridan kelgan dashti-qipchoq o‘zbeklari	11
Umbarova N. Qashqadaryo Qo‘ng‘irotlarining qadimdan qolgan qadriyatlarini	13
Yusupov H. Xiva madrasalarida mudarrislar faoliyati	16
Абдуллаев У. Ўрта Осиё халқларининг оила – никоҳ муносабатлари тарихидан	18
Азаматова Г.Б. Меҳнат миграциясида хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари	23
Алманов Қ. Бахмал тумани ўзбек ва қирғизларининг оилавий маросимларида исломгача мавжуд диний урф-одатларнинг кўринишлари	27
Бегалиева Д.Э. “Хива хонлари Кўринишхона” сидаги расмий қабул маросимлар	30
Бобоев Ф.С. Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши курашнинг кучайишида сайлов тизимининг таъсири	33
Бобожонова Ф.Х. XX аср бошларида Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳаракатлари	35
Васиева Д.И. Ўзбекистонда олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш ва самарадорлигини оширишнинг истиқболлари	39
Жуманазаров Х. Шарқ табобатида табиб тушунчаси ва фаолияти	41
Жураев И. XX – XXI аср бошларида Мирзачўл воҳаси маҳаллий аҳолисининг этник таркиби ва тил хусусиятлари	45
Инобатов А.Б. Деҳқон хўжалиқларида грек ёнғоғини етиштириш имкониятларини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамияти	50
Курбанова З.И. Влияние Аральского экологического кризиса на одно их традиционных занятий каракалпаков - скотоводство	54
Курбанова М.Б. Марказий Осиё халқлари моддий маданиятида “Наврўз гўжа” анъанавий таоми таҳлили	57
Махмудов Б.З. Темурийлар даврида фан ва маданиятга бўлган эътибор	59
Мирзаев Б.М. Хоразмлик адиб – Қосим ибн Хусайн фаолиятига назар	62
Мубинов М.А. Внешнеполитическая деятельность Бухарского эмирата	64
Отегенов Х.М., Торениязов Ж.Е. XIX асрдаги Амударёнинг чап соҳили бўйларидаги кўрғон-шаҳарлар	67
Рахимов А.Э. Қарши магистрал каналининг қурилиш тарихи ва насос станциялари	70
Сатимов Б. Хоразм воҳаси оғир қуролланган отлик аскарлар – ктафрактарийлар вужудга келган ҳудуд сифатида	73
Холиқов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳоли саломатлиги йўлида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик	76
Холмўминов М., Қолқанатов А. Хотин-қизларни маданий-маърифий соҳага жалб қилишда клубларнинг ўрни	78
Ҳамидова М.Х., Мирзаев Ш.Р. Бухоро тарихий мажмуаларининг янгиланиши йўлида	85
Юсупов Ш.Х. Амир Темур ва Темурийлар давридаги Хоразм шаҳарсозлик маданияти тараққиётининг ёзма манбалар асосида археологик жиҳатдан ўрганилиши	88
Юсупова Р.Қ. Қашқадарё вилояти тўй маросимлари хусусида	90
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Akramova N.M. Word-formation models in network sociolect in the speech of english-speaking youth	95
Aslonova N.M., Djumaniyazova Z.N. A review of German grammar tenses	97
Atadjanova M.A. O‘zbek, rus va ingliz tillarida pedagogik terminologiyaning struktur - semantik tahlili	98
Farmonova Sh. Linguocultural analysis of phraseological expressions of human emotional state in English	101
G‘afforov A. Qiyoslash mazmunini ifodalagan ergash gapli qo‘shma gaplarning shakllanishi	103
Hamdamov U. Oybekning simvolistik she‘rlari xususida	105
Jumaniyazov A.J., Polvanova N.M., Allaberganova F.I. Son komponentli aniqlovchili (attributuv) qo‘shma so‘zlarning leksik-semantik tahlili	108
Karimova Y., Radjapova F. F.Nitshening “Zardusht tavallosi” asarining o‘zbek tiliga tarjimasida so‘z qo‘llash mahorati	110
Kosimov A. Metaforaning o‘rganilishiga doir yondashuvlar	114
Madaminova Q.A., Djumaniyazova Z.N., Urinova M.S. Lexicology: the process of loan creation in the English language	116
Mirhaydarova N. The semantic field of the category "spirituality" in russian and uzbek	118
Muslixiddinova R., Yarashova N.J. Sadridin Ayniyning “Doxunda” asarida qo‘llanilgan maqollarning semantik tadqiqi	120
Mutalov D. O‘zbek va turk tillarida nutq fe‘llarining qiyosiy tadqiqi	122
Nishonov U.I. Research of translation problems scientifically-technical terminology	124
Nurova Yu.U. Jahon tilshunosligida etnolingvistikaning nazariy tadqiqi	126
Pulatova D.D. Murojaat shakllarining yoshga ko‘ra xoslanishi	129
Pulatova M.T. Ibn Arabshohning “Ajoyib al-maqdur fi axbori at-Taymur” asarida Amir Temur obrazi	133
Rahimova B.B. Ezgulikni madh etuvchi doston	135

Rahmatullayeva N.E. Lingvokulturologiya – tilshunoslikning yangi yo‘nalishi	138
Sabirova Z. Globallashuv hodisasi va adabiy tafakkur	139
Saidova H.H. Turkiy mifologiyada ko‘k tangri dini va uning bosh ilohi tangri obrazi	142
Sayfullayev B.D. Development of bilateral political relations between Uzbekistan and India	144
To‘raeva B.B. Badiiy makon konsepsiyasining struktur-semantik mohiyati	146
Tolibova N.N. History of the study of english phraseological units	150
Turayeva X. Ethel Lilian Voynichning inqilobchi qahramon obrazlar yaratishdagi mahorati	153
Valiyeva N.A. Xitoy tili frazeologik birliklarida “tinchlik” subkonsepti	155
Xalimova N.A. XX asr o‘zbek hikoya va qissalarining ingliz tiliga tarjimalarida badiiy mahorat masalalari	158
Xusinova Sh.X. The notion of nicknames are as an anthroponomical unit in onomastics of the uzbek language	161
Абдуллаева Н., Рахмонова Ф. Сонетда образ намоён бўлиши	163
Акбарова М., Кадымова Д.Р. Художественный мир Н.В. Гоголя – родник русской прозаической литературы	165
Артикова З.З. Хитой тилида 把 “bǎ” жамловчи ном ҳисоб сўзининг ривожланиши, эволюцияси	168
Вахитов Ю.С. Поэтические маски Николая Олейникова	171
Гафуров Б.З. Формы глагола как важный компонент в рекламном тексте медицинских услуг и фармацевтических продуктов	173
Гафурова Н.И. Курилишга оид термин ва таржима қилиш масаласига оид	176
Даниева М.Дж. Матн мундарижасида жамланадиган ахборотларни шакллантиришда сўз бирикмаларининг улуши	178
Зарипова Р. Эркин Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати	181
Исмоилова Ш., Усманова Н.К. Литературная сказка - это жанр авторского фантастического литературного произведения	185
Курбанова М.М. “Гекльберри Финн саргузаштлари” романидаги сюжет ва конфликт ҳақида баъзи мулоҳазалар	190
Муминов М.Т., Нархожаева Н.А. Лингвокультурологический аспект русских и узбекских сказок	193
Олимова Х.В. Сўзларнинг грамматик хусусиятларини аниқлашда таснифий белгиларининг аҳамияти	195
Орипова Г.М., Юнусалиева Г.А. Мустақиллик даври лирикасидаги шаклий-мазмуний янгиланишлар	197
Ражабов Ф. Бўрон Бек Аслон ижодида инсонпарварлик ғояларининг ифодаланиши	200
Расулова Г.К. Айрис Мёрдокнинг «Тузоқда» романида сюжет ва унинг бадий-эстетик функциялари	203
Рахимов З.А. “Кўхна дунё” романида бадий нутқ ва қаҳрамон талқини	206
Рахманова А.Х. Особенности исламской цивилизации в рецепции Бунина	208
Рофеева Ш.Д. Понятие “знание” в семантике английских и узбекских фразеологизмов	211
Рустамова Г.Б. Халқ достонларида дарахтлар билан алоқадор образларнинг семантик серқирралиги	213
Ўрозбоев А., Раҳманов Р. Хоразм Маъмун академияси электрон кутубхонаси: яратиш ва ишлаш тамойиллари	216
Усманова С.С. Бадий адабиётда психологизм етакчи тасвир усули сифатида	221
Файзиханова Л.А. Эстетические взгляды Н.Г.Чернышевского	224
Хайдаров И.Т. Суғурта терминларининг шаклланишида синтактик муносабатлар	228
Шербекова Г.Я. Никох тўйи кўшиқларида келин ва куёв образларининг бадий тавсифланиши	232
Эшгўхтарова Б.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида “head/бош” концептини ифода этувчи фразеологик бирикларнинг уникал хусусиятлари	235
Ярашова Н. Болалар адабиётда маъно кўчишининг лингвокогнитив аспекти	238
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Abdunazarova I.M. Interactive technologies in teaching English language	242
Adilova F.O. Tyutorning faoliyati va o‘qituvchining faoliyati, gurux rahbari o‘rtasidagi farq	243
Akhmedova A.A. Psychological factors in foreign language teaching	246
Amirqulov J.Ch. Futbol o‘yinida hujum turlari va qo‘llanilishi	248
Atabaeva N.Dj. The ways of increasing students' motivation in learning the English language	250
Azizova M.A. Teaching listening in ESP classes	252
Begizova M. Creative-organizational model of professional training of the future teachers	254
Boltaeva D.B. Developing intercultural communication competence in students	256
Dehqonova S. Pedagogical approach in educating youth on the basis of spiritual heritage	259
Ergashev M., Vaxromova A. Teaching vocabulary in gifted preschool children through non-traditional methods	261
Ergashev M., Mahkamova M. The role of children’s literature in learning languages	262
Isaqova Z., Ikramova M., Bo‘tayev A. Texnologiya fani o‘qituvchisining o‘quv jarayonidagi ta‘sirchanligi va kasbkorlik sifatleri	264
Ismailova R., Kulijanov U., Khabibrahmanova D. Modern methods in teaching foreign languages	266
Kattaboeva D.K. Language learner’s autonomy in english language learning process	270
Khudoykulova U.A. Innovative approaches to teaching Russian	272
Kushmatova D.E., Khakimova H.Kh. Postulates for a healthy lifestyle in Abu Ali Ibn Sina's canon of medicine	273
Makulov Sh.Z. Involving students in sports clubs in higher education institutions	275
Mamatov Sh.N. Rivojlangan shaxsni shakllantirishda jismoniy madaniyat va sportning ijtimoiy ahamiyati	276

Mirsagatova P.A. Qurilish terminologiyasining turdosh fanlar terminologiyalari bilan o'zaro bog'liqligi va umumiy terminologiya bazasini shakllantirishi	278
Mirzayeva S.R., Rahmonberdiyeva S.A. Developing listening and critical thinking skills by literary works for B2 level learners	280
Najmutdinova G. Teaching English in technical universities	282
Parpieva M.M. Education of students in the spirit of patriotism in teaching the russian language	283
To'raqulov I. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining og'zaki nutqini rivojlantirish usullari	285
Yaxshiboyev Z.A. Jismoniy tarbiya tizimida yengil atletikani o'rni	287
Zakirova Z.Z. The impact of case studies in developing students' critical thinking skills in EFL classroom settings	290
Ахмедова М.Э. ОТМ филологик таълимда ўқув топшириқларини такомиллаштиришнинг педагогик-дидактик ва прагматик хусусиятлари	291
Жаббаров О. Алкоголизм, инсон хулқ-атворининг жиддий муаммоси	295
Кодирова Ш.С. Инглиз тилига ўқитишда тўғри талаффузга ўргатиш кўникма ва малакаларини шакллантириш	297
Қаршиева Д.Р., Асатуллаев А.Н. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик асослари	298
Маматкулова М., Усманова Н.К. Стиховедческие методические аспекты изучения лирики в школе с нерусским языком обучения	301
Мулладжанов У.А. Ёшларга соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни	304
Муратова Г.С., Очилова Н.Р. Хавфсизлик соҳасида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” қоидаларини ўқитишнинг самарадорлиги	306
Рашидова З.Х. Маданият ва санъат соҳаси педагогикасида ижодий ишлаб чиқаришнинг моҳияти	308
Рўзиева К.Я. Немис тили дарсларида бўлғуси кадрларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг айрим педагогик жиҳатлари	312
Рузметова Д. А. Нофилологик олий ўқув юрти талабаларига потенциал лексикани ўргатишнинг лингводидактик муаммолари	314
Суюндиков Н.С., Ахмедова Т.Б. Лотин тили грамматикаси ва лексикасини ўқитишда инновацион таълим технологисини қўллаш	317
Тоштемирова Н.Д. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда “соғлом авлод учун” ҳайрия фондининг ўрни	319
Усманова Г.Т. Роль интерактивной доски при обучении иностранному языку	321
Хамидова Х.Ш. Использование СЛП- метода при изучении иностранного языка в неязыковых вузах	324
Хаятова Н.И. Инновационные подходы в достижениях новых результатов в обучение французского языка	326

2. Дошумбаев К.И. Развитие и размещение производительных сил Каракалпакии в условиях ухудшения экологической обстановки в Приаралье // Вестник КК ФАН АН РУз., 1988, № 1. С. 3-7.
3. Иванов П.П. Материалы по истории каракалпаков // Записки института востоковедения. М.,Л.: Издательство Академии наук СССР, 1935.
4. Кабулов С.К. Исследование компонентов природной среды Южного Приаралья в связи с проблемой Аральского моря // Вестник КК ФАН УзССР. 1982, № 1. С. 37-41.
5. Камалов С. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа (1917-1990 гг.) // Вестник ККО АН РУз. 1999. № 6.С. 3-7.
6. Каульбарс А.В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // ЗРГО.Т.9. СПб., 1881. 621 с.
7. Курбанова З. Полевые материалы 2021. № 1. Муйнакский район. Жалгыз терек ауыл. Жумагамбетова Карлыга, 1966 г.р. казашка.
8. Курбанова З. Полевые материалы. 2021 № 5. Муйнакский район. Шагърлы. Глеумбетова Арухан, 1953 г.р. каракалпачка.
9. Курбанова З. Полевые материалы. 2021 № 6. Муйнакский район. Шеге. Женалиева Тажигул. 1940 г.р. каракалпачка.
10. Курбанова З. Полевые материалы. 2021. № 4. Муйнакский район. Шагърлы. Утениязов Тилеклесбай. 1949 г.р. каракалпак.
11. Палваниязов М., Сапарниязов Ж. Пути оптимизации природной среды в Приаралье в связи с процессами аридизации и опустынивания // Вестник ККО АН РУз. 1994. № 3. С. 8-11.
12. Реймов Р. Экологическая обстановка ухудшается // Вестник ККОАНРУз. 2001, № 1-2. С. 12-15 и др.
13. Степанов Н.Н. Реальные возможности и спасения Арала и Приаралья // Вестник КК ФАН РУз. 1990, № 1. С. 3-18.
14. Туремуратов У. Снижение уровня Аральского моря и его влияние на природную среду юго-восточного Приаралья // Вестник КК ФАН УзССР. 1985, № 4. С. 38-41.
15. Хусаинов А. О возможности переброски части стока реки Ишим для пополнения Аральского моря // Вестник КК ФАН РУз. Вестник 1979, № 1. С.21-23.
16. Ягодин В.Н. Глава 3. Приаральский микрорайон в VII-начале XIV вв. // Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау. Археология Приаралья. Вып. VII. Ташкент: ФАН, 2008. С. 125-143.
17. https://static.norma.uz/official_texts/2019/ О мерах по ускоренному развитию отраслей животноводства в Республике Каракалпакстан.

УЎК 93/94

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДА “НАВРЎ ГЎЖА” АНЪАНАВИЙ ТАОМИ ТАҲЛИЛИ

М.Б. Қурбонова, т.ф.н., Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада “Наврўз гўжа” номли анъанавий таом билан боғлиқ урф-одат ва анъаналар, уни тайёрлаш жараёнининг келиб чиқиши ва истеъмол қилинишининг илмий таҳлили кенг ёритилган. Кўриниб турибдики, бу миллий таом Ўрта Осиёдаги ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз ва туркман халқлари моддий маданиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Калим сўзлар: Оддий таомлар, тантанали таомлар, жўхори уни, етти хил ўтлар, маҳаллий тегирмон, гринрлер, ноз-неъматлар, палов, кимё, композиция, деҳқончилик култи.

Аннотация. В статье представлен научный анализ традиций и обычаев, связанных с обрядовыми аспектами, названием, приготовлением и употреблением блюда «Навруз гуджа», являющегося важным компонентом материальной культуры узбекского, таджикского, казахского, киргизского и туркменского народов Центральной Азии.

Ключевые слова: злаковые блюда, ритуальная пища, крупа из сорго зернового, семь видов трав, местная мельница, деревянная ступа, вкусная еда, похлебка, химический состав, аграрный культ.

Abstract. The article provided gires scientific analyses of traditions and customs associated with conventional meal called “Navruz guja” and its preparing process origin and consumption. Apparently, this national meal is considered to be one of the most essential components of material culture of uzбек, tadjik, kazak, Kirgiz and turkmen nations of Central Asia.

Key words: Regual meals, ceremonial meal, wnite oatmeal, seven different herbs, local mill, grinrler, delicious food, plov, chemical, composition, agricultural cult.

Марказий Осиё халқлари турмушида асрлар давомида турли хил масалликлардан тайёрланган кундалик ва маросимий таомларнинг ўзига хос бой дастурхони вужудга келган. Ушбу мақолада мазкур халқлар турмушида кенг тарқалган гўжа таомининг кундалик ва маросимий хиллари тайёрланиши билан боғлиқ урф-одат ва анъаналар тарихий –этнологик аспектда ўрганилади.

XIX аср охири XX аср бошида халқ пазандачилигида наботот, яъни донли зироатлардан тайёрланадиган таомлар ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Бундай овқатлар асосан

бошоқли, дуккакли ўсимликларнинг ёрмаси, уни ёки туйилган донларидан тайёрланган[1]. Ун ва ёрмалар эса сув тегирмонлар, хайвон (асосан эшак) кучи билан ҳаракатга келтириладиган маҳаллий тегирмон – харос, каш-каш ҳамда қўл тегирмон – ёрғучоқ ёки ёрматошларда тортилган[2]. Асосан, оқ жўхори ёрмасидан пиширилган “гўжа” таоми камбағалнинг кундалик емиши бўлиб, ўзбекларда ушбу бўтқасимон обиёвгон “жўхори гўжа”[3], “гўжа”, тожикларда эса “кашк”[4], “кашки чавари”[5] деб аталганлиги маълум.

Гўжанинг кимёвий таркибида етарли миқдорда барча озиқ моддалар мавжуд. Бир кишига мўлжалланган гўжа таркибида 20 г оксил моддаси бор, бундан 42 фоизи ўсимлик ва 58 фоизи хайвон оксилдир. Демак, оксилнинг миқдори мутаносиб нисбатда бўлади. Гўжадаги мой моддаси асосан хайвон мойидан ташкил топган (90 фоиз), шунга кўра тўйинган мой кислоталари кўпроқ (51 фоиз). Лекин гўжа таркибида ўсимлик моддалари, минерал бирикмалар ва витаминлар сероб бўлгани сабабли мойнинг парчаланиши ва ҳазм бўлиши осонроқ бўлади. Гўжа фойдали ва тўйимли бўлганлиги учун юқори калорияли таомлар қаторига киради. Гўжа енгил ҳазм бўладиган ва хушхўр таомдир. Уни айрим сурункали хасталикларга чалинганларга, камқон ва ҳомиладор аёлларга, қарияларга тавсия этса бўлади. Гўжа таркибида хайвон озиқ моддаларининг кам бўлиши унинг парҳезлик хусусиятини оширади[6].

Оқ жўхори таркибида саломатлик учун зарур бўлган бирикмалар сероблиги халқ тажрибасида синалган ва шунинг учун жўхоридан тайёрланган таомларни ҳамма ёшдаги кишилар хуш кўриб тановул этадилар. Уни тайёрлаш учун оқ жўхори дони сўтасидан ажратиб олинган ва маълум муддат сувда ивигилган. Кейин эса ўғирда аста-секин янчилган. Янчилган жўхори қовузидан ажратилиши учун 3 марта совуқ сувда ювиб, шираси олиб қўйилган. Қозонга сув солиб жўхори қайнатилган, лўппак-лўппак бўлиб пишгандан сўнг, олиб қўйилган шира ҳам солинган. Тайёр бўлган “жўхори гўжа” сал совутиб, сут, қатик, қуртава (тож. қурутоба) солиб ичилган. Демак, халқ орасида бу таомнинг сутли гўжа, қатикли гўжа, қуртава солингани эса ачитма гўжа сингари хиллари яратилган[7]. Марказий Осиё ўзбеклари маҳаллий шеvasида бу таом “кўча”, қуртава солингани эса “ачитма кўча” деб аталган[8]. “Ачитма кўча” ёки “ачитки гўжа” Бухоро воҳасида ёз фаслида чанқокни бостириш учун махсус тайёрланган. Бунинг учун гўжа пиширилиб, қурут эзиб, қуртава ёки қатик қўшиб 2-3 кун ачитилган, кейин хумча ва кўзаларга солиб далада ишлайдиган қўшчиларга олиб чиқилган[9]. Этнограф М.Файзуллаева бу таом Сурхон воҳаси Шеробод тумани қишлоқларида “кўчаош”, Бойсун тумани тожикларида “кўчахўр”, Денов тумани қишлоқларида “кўчашулла” деб номланганлигини қайд этади[10]. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида бу таом “кўча” деб аталганлиги маълум[11]. “Кўча” таомини Қашқадарё воҳаси Китоб туманида Наврўз байрами куни маҳалла аҳли кўчада тўпланиб тайёрлаган ва бўлишиб ейишган, косаларни эса ўша ерда синдириб кетишган, деб таъкидлайди Н.Мирзаев[12]. XX аср бошларигача Наврўз сайли куни маҳалла аҳлининг бир ерга йиғилиб, идиш ўрнида ишлатилган ёғоч кади-қовоқдан бир нечтасини ерга уриб синдириш (“кади синдирди”) одатига Марказий Осиёнинг кўпгина халқлари амал қилган[13]. Халқ тасаввурида эски идиш товоқларнинг янгисига алмаштирилиши орзу-ниятларнинг амалга ошуви деб тушунилган.

Этнограф Н.П.Лобачева “гўжа оши”ни маросим таоми сифатида Марказий Осиёнинг деҳқон халқлари Наврўзда овқатга ишлатиладиган етти хил ўтлардан, ёки жўхоридан пиширилганлигини қайд этади[14]. А.Шишов эса “гўжа оқланган тарикдан (айрим ҳолларда маккажўхори ёки арпадан) қилинган суюқ бўтқадай таом бўлиб, қатик қўшиб ичилган. Бу таомни қишлоқларда фақат камбағал аҳолигина эмас, ҳатто тўқ оилалар ҳам пиширган”, - деган маълумотни келтиради[15]. Демак, гўжа оши нафақат оқ жўхоридан, балки арпа ва тарикдан ҳам пиширилган. Бирок, “жўхори гўжа” Марказий Осиё деҳқонлари кундалик истеъмолида кенг тарқалган. XIX аср охирига келиб Фарғона водийсида ҳам жўхори ёрмасидан пишириладиган “гўжа” (“гўжа ош”) нафақат ўтроқ, балки ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли орасида ҳам оммалашганлиги маълум[16].

Хусусан, қирғизларда Наврўз куни тарикдан махсус “кочо” (“гўжа”) пишириб жамоага тарқатилган[17]. Қадимдан чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул Қозоғистоннинг жанубий худудларида яшаган ўтроқ қозоқ деҳқонлари орасида наврўз маросимида Марказий Осиёнинг бошқа халқлари сингари янги йилнинг ёвгон оши “наврўз гўжа” – (қозоқча “науриз коже”) пиширилган[18]. Қозоқ деҳқонлари наврўз байрамидан сўнг ер ҳайдашга киришганлар. Худди шу жараёнда Деҳқон Бобо шарафига атаб тайёрланган “наврўз гўжа” - “қудаи коже”, яъни “қурбонлик гўжа”, “кос коже”, яъни “қўш гўжа” деб номланган таом тарқатилган[19]. Деҳқон хўжаликларида ерга ишлов бериш учун қўш хўкиздан фойдаланилган. Ўзбекларда ҳам далага “гўжа оши”ни “қўш оши” деб қўшчиларга тарқатиш одати деҳқонларнинг наврўзга атаб ўтказиладиган бугунги кунда эса унутилган архаик маросимидир.

Эрта баҳорда биринчи қўш солиш удумини амалга ошириш учун “қўш оши” – “гўжа оши” пиширилган. Деҳқонларнинг биринчи марта ер ҳайдаш учун

кўш хўкизларни махсус тайёрлаш одати аграр культлар билан боғлиқ. Марказий Осиёда қадимда хўкиз серпуштлик рамзи ҳисобланган ва шунинг учун ҳам ер ҳайдаш жараёнида унинг ғайритабиий хусусияти ерга ва етиштириладиган ҳосилга кўчади деб ишонишган[20]. Марказий Осиёда қадимий диний-мифологик тасаввурлар асосида деҳқончилик соҳасида шаклланган урф-одатлардан кўзланган мақсад баракали ҳосил етиштириш ва уни нобуд қилмасдан йиғиб олишга қаратилган. Ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз халқлари турмушида анъанавий “навруз гўжа” таомининг тайёрланиши, унинг истеъмоли, у билан боғлиқ маросим ва урф-одатларга оид локал хусусиятларнинг намоён бўлиши аҳолининг аграр культларга бўлган эътиқодининг махсулидир.

Демак, асрлар давомида кўшничлик асосида яшаб келган Марказий Осиё халқлари турмуш тарзининг барча соҳаларида, яъни нафақат ижтимоий, балки маиший турмушида, ўзаро муносабатларида, ишлаб чиқариш соҳасида, моддий маданиятнинг муҳим компоненти таомлар тайёрланиши ва истеъмолида ўзига хос архаик кўринишлар, магик ҳатти-ҳаракатларнинг умумий ўхшашлиги кўзга ташланади.

Марказий Осиё халқлари анъанавий таоми “навруз гўжа” нинг пиширилиши, уни тановвул қилиш маданияти аждодларимизнинг яратган ва бизгача етиб келган беназир маданий меросидир. Бу маданий меросни илмий нуқтаи-назардан этнологик тадқиқ этиш жараёнида маълум этноснинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўхшашликлари билан бирга ўзига хос локал хусусиятлари ҳам яққол намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири XX аср боши). Тарих фанлари номзоди...дисс.-Т.: 1994.-Б.18.
2. Сухарева О.А. Бухара XIX- начало XX в.(Позднефеодальный город и его население). –М.: “Наука”.1966. –С.208-210; Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX- начала XX в. -Т.: Фан, 1981. –С.105; Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков. // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. -Т.1972. –С.97.
3. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Т.: «Фан», 1974. –С.277.
4. Кашк – жўхори дони туйилмай пиширилган ва қатик билан истеъмол қилинган таом.
5. Кашки чавари-жўхори, мош, ловия, пиез, сабидан пиширилган қатик билан ичилган суюқ таом.
6. Дўстжонов Б. Хоразм таомлари. -Т.: “Ўзбекистон”.1994, -Б.28-29.
7. Дала маълумотлари. Когон, Бухоро, Жондор тумани, 1993, 1994 йиллар
8. Ачитки гўжа ҳақида қаранг: Этнографические очерки узбекского сельского населения. Отв.ред. Г.П.Васильева, Б.Х.Кармышева. –М.: “Наука”. 1969. -С.69.
9. Қурбонова М.Б. “Наврўз гўжа” воҳа маросимий таоми сифатида. / “Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро, 2017, -Б.63.
10. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). -Т.: “Янги нашр”.2010.-Б.22.
11. Шаниязов К., Исмаилов Х. Пицца. // Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX-начала XX в. -Т.: 1981, -С.110.
12. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли лугати. -Т.: Фан, 1991. –Б.50.
13. Рахимов М.Р. Земледелие таджиков бассейнар. Хингоу в дореволюционный период: Историко-этнографический очерк. Сталинабад. 1957. -С.203; Курбанова М.Б. Традиционная пища узбеков и таджиков Бухарского оазиса (конца XIX-начала XX в.). Автореф.дис.канд.истор.наук. -Т.: 1994, -С.18.
14. Лобачева Н.П. К истории календарных обрядов у земледельцев Средней Азии. Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. - М.: “Наука”. 1986. С. 16.
15. Шишов А. Таджики. Этнографическое и антропологическое исследование. Часть 1. Этнография, 1910. - С.119.
16. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX -XX аср бошлари). -Т.: “Янги аср авлоди”. 2005, -Б.127.
17. Фиельструп Ф.А. Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. -М.: Наука. 2002.-С.205.
18. Аргинбаев Х., Захарова И.В. Экспедиция, организованная в 1958 г. Южноказахстанскую область. // Новые материалы по археологии и этнографии Казахстана. Алма-ата; 1961. –С.97.
19. Кармышева Дж.Х. Земледельческая обрядность у казахов. // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. - М.: «Наука». 1986.-С.53-54.
20. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т.: “Алишер Навоий” номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”. 2007. –Б.134.

УЎК 93/94

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ФАН ВА МАДАНИЯТГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Б.3. Махмудов, илмий ходим, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Самарқанд

Аннотация. Ўзининг 30 йиллик истиқлол тараққиёт йўлини нишонлаётган ўзбек халқи маънавиятини унинг бой, тарихий маънавий мероси, маданий бойликлари ўзига хос урф-одати ва анъаналари кўрсатади. Шундай тарихий, маданий мерослардан бири XIV-XV асрларда юз берган уйғонми-ренессанс давридир. Амир Темур ва Темурийлар даврида Ўрта Осиёда уйғонми даврининг